БЕШ ЙИЛЛИКНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРАМИЗ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2-йил чиқиши.
11 НОЯБРЬ 1967 й.
ШАНБА
№ 263 (418)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Ташаббус қанот ёзмоқда

Тошкентда юбилей олди меҳнат вахтаси муваффақиятли якунланди. Пойтахт саноат корхоналарининг коллективлари ҳам, шаҳарни қайта қураётганлар ҳам ўз олдиларига янги марраларни белгилаб олмоқдалар.

Уларнинг бугунги шиори шундай: «Беш йиллик планини 1970 йил 7 ноябрда бажарамиз!» Бу шиор янгидан қабул қилинган социалистик мажбуриятлардагина эмас, балки байрам олди кунларида пландан ташқари ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулотларда ҳам ўз аксини топди.

Шаҳримизнинг меҳнаткашлари Москва ва Ленинград корхоналари коллективларининг беш йиллик планни муддатидан илгари адо этиш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ташаббусларини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.

Ленин районидаги «Учқун» фирмаси, қоғоз комбинати, В. И. Ленин номли электротехника заводи, 2-автомобиллар ремонти заводи, «Водрем-44»-қурилиш-монтаж поездининг ишчилари беш йиллик план топшириқларини 1970 йил 7 ноябрда бажариш юзасидан янги социалистик мажбуриятлар қабул қилишди.

Ленин район партия комитетининг бюроси илғор ишчилар коллективлари бошлаб берган бу ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади. Редакциямизга завод ва фабрикалардан, қурилиш индустрияси корхоналаридан янги социалистик мажбуриятлар қабул қилинганлиги ҳақида хабарлар келиб турибди.

Ғалабангиз муборак

«Главташкентстрой»нинг хўжалик ҳисобида ишлаётган 74 та комплекслашган бригадаси—икки мингдан ортиқ ғишт терувчилар, сувоқчилар, бетончилар, дурадгорлар ва бошқа қурилиш касб эгалари «Юбилей йилининг энг яхши қурилиш бригадаси» номини олиш учун тўрт ойдан ортиқ жонбозлик билан меҳнат қилдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент шаҳар қурилиши ва уни қайта тиклаш («Главташкентстрой») бош бошқармаси, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари бу конкурсга якун ясадилар.

Жюри 153-трестнинг Раҳим Зияев бошлиқ бригадасига «Юбилей йилининг энг яхши бригадаси» деган шарафли ном беришга қарор қилди.

Бригада «Главташкентстрой»нинг, «Тошкент оқшоми» ва Вечерний Ташкент» газета редакцияларининг Фахрий ёрлиғини ҳамда 600 сўм пул мукофотини олишга муваффақ бўлди.

Яхшиларнинг яхшиси

Ўн уч йил. Бу давр одамларининг қилган ишларига, ютуқларига қараб белгиланади.

1954 йили 153-трест комплекс хўжалик ҳисобидаги бригадасининг бошлиғи Раҳим Зияевга коллектив тандири топширилган эди. Ўшандан бери у бригадани бошқариб келмоқда.

Р. Зияев бошчилигидаги кишилар 13 йил мобайнида нималар қилишди? Улар шу қадар кўп иш қилишдики, санаб етказа олмайди киши.

Улар Тошкентда 1,5 минг яқин квартира, 1233 ўринли ётоқхона бинолари, 6 мактаб, 5 та болалар боғчаси, 2 та маиший хизмат комбинати қуриб бердилар.

Ленин бу ҳали ҳаммаси эмас, Георгий Ламанов, Гайдани Зайнуддинов ва бошқалар бригадада тарбия олиб ҳозир ўзлари қурувчилар коллективларига раҳбарлик қилмоқдалар.

— Мамлакатимизнинг кўп даҳарларидан тажриба ўрганишга келишади,— дейди Раҳим ака.— Бизнинг ўзимиз ҳам ҳамкасбларимиздан, айниқса қардош республикалик биноюрлардан тажриба ўрганамиз. Улар Тошкентга ўзларининг илғор тажрибалари билан келишган. Биз Россия, Украина, Болтиқбўйи биноюрларидан кўп янгиликлар ўрганиб, юбилей йилида олган юксак мажбуриятларимизни муддатидан илгари адо этдик. Планга қўшимча равишда 280 ўринлик боғчани байрам совғаси қилиб топширдик.

Раҳим Зияев бригадаси «Улуғ Октябрь 50 йиллиги номли бригада унвонини ҳамда «Главташкентстрой», «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари конкурсининг ғолиби сифатида «Главташкентстрой» бўйича юбилей йилининг энг яхши бригадаси номини олди.

Ш. ГАЛИМЖОНОВ.



Тошкент уйсозлик комбинати КПСС Марказий Қомитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг эсдалик байроғи билан мукофотланди. Уйсозлик комбинати саккиз йил давомида бир миллион квадрат метрдан зиёд уй-жойни фойдаланишга топширди, Юбилей йилида уйсозлик комбинати аҳли 300 минг квадрат метр уй-жойни меҳнаткашларга армуғон қиладилар. Ҳозирда ҳар 36 кун давомида иккита 48 квартирали уй тайёр бўлмоқда.

Вертикаль қолиплаш бўйича Гинатулла Шарипов бригадаси меҳнатда ҳаммага ўрнак бўлмоқда. Сиз суратда бригада аъзоларидан: (чапдан ўнгга) А. Гладченко, М. Гайнулин, Г. Симонян, Г. Шарипов, А. Сироженко ва А. Оголни кўриб турибсиз.

Н. Ключнев фотоси. (ЎзТАГ).

ҲИСОБЛАР ШУНИ КЎРСАТАДИ

«Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмасининг барча участкалари, цехлари меҳнат унумдорлигини бундан буён янада ошириш, корхонанинг мавжуд иш майдонларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш имкониятларини анализ қилиб чиқдилар.

Ҳисоблар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқариш ҳажмини шу йилгача қараганда 1970 йилда учдан бир ҳиссадан зиёдроққа ошириш, меҳнат унумдорлигини эса 18,2 процентга ошириш мумкин экан. Ҳар бир участкада меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, ҳар беш кунда илгариги олти кунлик иш ҳафтасидагига қараганда кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулотлар беришга қарор қилинди.

Қилинган анализлар фирма беш йиллик план топшириқларини 1970 йил 7 ноябрда адо этиш реал мажбурият эканлигини кўрсатди. Коллективимиз бу мажбуриятларни ўзининг яқинда бўлиб ўтган умумий мажлисида қабул қилди.

И. ШОДИБЕКОВ, «Учқун» фирмасининг директори.

КОЛЛЕКТИВ ҚАРОРИ

Ҳамшаҳарларимиз қатори бизнинг коллектив аъзолари ҳам Улуғ Октябрнинг 50 йиллик тўйини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишди. Ҳар бир смена, участка ва цех байрам вахтасида туриб меҳнат қилиб, самарали натижаларга эришди. Байрамни ёруғ юз билан кутиб олган асбобсозларимиз иш суръатини худди вахтадагидек давом эттирмоқдалар.

Москва ва Ленинград шаҳар корхоналари бошлаб берган ташаббусга биринчилар қатори қўшилган бизнинг коллективимиз ҳам беш йилликнинг қолган уч йилини зарбдор йиллар, деб эълон қилади.

Зарбдор йилларни ҳам юбилей йилидаги каби ютуқлар билан нишонлаш мақсадида янги социалистик мажбуриятлар қабул қилдик. Коллектив аъзолари бир фикрга келишди. Ишлаб чиқаришда беш йилликда эришишимиз лозим бўлган даражага 1970 йил 7 ноябрда эришишга қарор қилдик. Коллективнинг қарори шундай.

О. КАРАСЕВ, В. И. Ленин номли электрон техника заводи партия комитетининг секретари.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

— Менга илк марта тикувчилик касбини ўргатиб, кенг ҳаётга мустақил йўл очиб берган Мунаввар опамлардан бир умрга миннатдорман,— дейди фахр билан Тожихон Бурхонова.

Чиндан ҳам Тошкент пайпоқ-трикотаж фирмасида бўлган киши Мунаввар опа ҳақида бундай илиқ сўзларни кўплаб эшитади. 1956 йил. Мунаввар Орипова ҳам кўпчилик қатори фабрикага ишга боради. Тез орада ўзининг серҳаракатлиги, ишбилармонлиги билан кўпчилик орасида ҳурмат қозонган Мунавварни цех коллективи тикувчи мотористкалик касбига ўтказади. Даставвал у бироз қийналади, натижада ўз камчилигини тезда англаб олиб, кунлик нормани ортиғи билан адо этишга киришади.

Мунаввар опа 11 йил ичида 15 дан ортиқ шогирдлар тайёрлади. Тожихон Бурхонова ва Маъфура Қодировалар унинг кейинги икки йилда етиштирган шогирдларидан. Бир неча йилдирки, Мунаввар опа фирма илғорларининг «Ҳурмат тахтаси»дан муносиб ўрин олиб келмоқда.

Шу кунларда Мунаввар опа Орипова йиллик планни муддатидан илгари адо этиб, 1968 йил январь ойи ҳисобига ишни қизитиб юборди.

Фирмада бундай илғорлар беҳисоб. Жумладан тикувчи мотористкалардан С. Салимова, ип йигирувчилардан М. Назарова, А. Тўйчиева, жемпир тикувчилардан У. Азимова, Ф. Менгазеддинова ва бошқа ўртоқлар 1968 йил январь-февраль ойи ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

ТЕХНИКАДАН МУКАММАЛ ФОЙДАЛАНАМИЗ

Москвадаги Владимир Ильич номли электромеханика заводининг ишчилари: «Техника нималарни бериши мумкин бўлса, ҳаммасидан мукаммал фойдаланамиз!» деган шиорни ўртага ташладилар.

«Казахтрастехмонтаж»нинг «Водрем-44» ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж поездининг коллективи бу ажойиб чақириққа лаббай, деб жавоб берди.

Юбилей йилидаги ишларимиз жуда яхши бўлди. Чунки беш йилликнинг дастлабки икки йиллик плани топшириқларини муддатидан илгари Қурувчилар куни — 1967 йил 13 августда адо этдик.

Бироқ олдимизда масъулиятли вазифа — ишлаб чиқариш-техникаси вазифаларини туриби. Бизлар техникадан фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш ресурсларидан янада ўринли фойдаланиш имкониятларини синчиклаб ўрганиб чиқдик.

Беш йиллик план юзасидан олиб борган барча ҳисоб-китоб ишларимизни коллективнинг умумий йиғилишида муҳокамага қўйдик. Бу йиғилишда янги оширилган мажбуриятлар қабул қилинди. Бизнинг коллектив беш йиллик топшириқларини 1970 йил 7 ноябрда бажаришга қарор қилди.

Ана шу мақсадда кадрларнинг экономика ва техникани ўрганишини ташкил этамиз. Шунингдек, бригада ва группаларни хўжалик ҳисобида ишлашга ўтказамиз ва меҳнатга аккорд-мукофот системасида ҳақ тўлаш жорий этамиз.

В. ДРОЗДА, А. ПОПОВ, «Водрем-44» слесарлар бригадаларининг бошлиқлари.

Қўшимча қувватлар

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг ротацня цехида байрам арафасида Рибинск шаҳридан келтирилган олтита янги ротатор машинаси ишга туширилди. Бу билан машиналар сони 15 тага етди.

Янги магазин

Ленин районидаги Олтин кўл кўчасида 50-озиқ-овқат магазини битказилиб, ишга туширилди.

Янги магазин 6 бўлимдан иборат бўлиб, харидорлар учун ҳамма нарса муҳайё: Гўшт, балиқ ва сут, вино ва кондитер бўлимларида 14 сотувчи хизмат қилмоқда.

— Магазиннинг ишга тушиши, — дейди магазин мудири Ж. Исоқов, бу ер аҳолисининг узоғини яқин қилди. Мария Шагинева, Эрна Паршуткина каби сотувчиларимиз дастлабки кунларданоқ харидорлар ишончини оқлашмоқдалар.

И. РУСТАМОВ.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИНИНГ ЗАРБДОР ОДИМЛАРИ



ДОНЕЦК ОБЛАСТИ. Славян ГРЭСида Европада энг йирик бўлган — 800 минг киловатт қувватли энергетика блокини монтаж қилиш ишлари тугалланди. Газ ёқилиши билан улкан қозон исий бошлади. Бу нодир қурилма бир соатда 565 даражали ҳарорат билан 255 атмосфера босимида 2,5 минг тонна буғ чиқаради. Буғ икки балли турбогенераторга келиб тушади.

СУРАТДА: «Теплоэлектромонтаж» участкасининг энг яхши электр монтажчи комсомоллари (чапдан ўнгга) Иван Мирочников, Владимир Алексеев, Владимир Боровский, Андрей Финко, Николай Мухо, Николай Денисов ва Владимир Максимовский.

С. Гендельман фотоси. (ТАСС фотохроникаси).



Тюмень области, Тюмень — Сургут 700 километрли темир йўлининг биринчи 200 километрлик участкасига ноябрь ойи ҳисобига ишлар ётқизиш белгиланган муддатдан 35 кун илгари тамомланди. Бу йўл Транссибирь магистралини шаҳар ва Иртиш-Тобольск дарё порти билан боғлайди. Яқин кунларда бу участкада поездларнинг ҳаракатлари бошланади. Ундан кейин эса область шимолидаги геологлар, нефтчилар, ёғоч тайёрловчилар, балиқчилар учун юклар етказила бошлайди.

СУРАТДА: Трассага биринчи тепловоз чиқди. 200 километрли Тобольск темирйўлининг 200 километрли участкаси поездлар ҳаракатни учун тайёр.

И. Сапожников фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

«ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ»

(КУКРАККА ТАҚИЛАДИГАН БЕЛГИНИНГ ТАСВИРИ)

Кўкракка тақиладиган бу белги доира шаклида нейзильбердан ясалган (қумуш югуртилган) бўлиб, диаметри 30 миллиметрдир.

Белгининг ўрта қисмидаги текис сатҳида очиб қўйилган китоб сурати тасвирланган, унинг остида эса чаноқлари очилиб турган пахта, ғўза барглари ва дафна дарахти барглариданясалган симметрик виньетка тасвирланган.

Айлана бўйлаб, юқори томонда «Хизмат кўрсатган фан арбоби», пастда эса «Заслуженный деятель науки» деб ёзилган. Ўзбекча ва русча текстлар ўртасига юлдузлар қўйилган.

Кўкракка тақиладиган белгининг четида 2—3 миллиметр кенгликдаги бўртма ҳошияси бор.

Белгининг орқа томонида ўртадан юқорироқда қуёш нурлари устида «ЎзССР» деган сўз ёзилган, пастда эса пахтаси очилган ғўза шохларидан ишланган виньетка тасвири ясалган бўлиб, унинг устида белгининг номери кўрсатилган лентача тасвирланган.

Тасвир ва ёзувлар бўрттириб берилган.

Кўкракка тақиладиган белги тешикча ва ҳалқача орқали колодкага уланган бўлади, колодканинг ўрта қисми Ўзбекистон ССР Давлат байроғи рангида бўлган муар лента билан қопланган.

Кўкракка тақиладиган бу белги тўғнағич билан қадалиб, кўкракнинг ўнг томонига тақиб юрилади.



Қитъалардан хабарлар

АМЕРИКА СИЁСАТИ БОШИ БЕРК КЎЧАГА КИРИБ ҚОЛДИ

ПАРИЖ. 10 ноябрь. (ТАСС). Яқинда Шарқи-Жанубий Осиёга бориб келган Француз жамоат арбоблари бу ерда матбуот конференцияси ўтказиб, Америка ҳарбийларининг Вьетнамдаги жиноий ҳаракатларини кўрсатувчи янги далилларни айтиб беришди. Улар АҚШ Вьетнамда одамларни қириш сиёсатини ўтказаётганлигини аққол исботловчи далилларни маълум қилишди.

Врачлар Кан ва Кривин, адвокат Матарасо, Олим Ж. П. Вижье, кинематографчи Р. Пик матбуот конференциясида сўзга чиқиб, Америка қўшинлари партизанлар ҳаракат қилаётган районларда тинч аҳолини ва тирикчилик воситаларини кўплаб ўлдираётганликларини, миқёсда қўлланаётганларини айтиб беришди. Америка қўшинлари, деди Кривин, шоли- сабзавот экинларини нобуд қилмоқ учун газлар ва заҳарли моддалардан фойдаланмоқда. Кўздан ёш оқизадиган газларни ишлатиш натижасида Жанубий Вьетнам қишлоқларидаги аҳолидан бир талай киши қурбон бўлди.

Матбуот конференциясида сўзга чиққан жамоат арбоблари бу агрессияга Вьетнам халқи мардларча қаршилик кўрсатаётганлигини ҳам гапириб ўтишди. «Американинг Вьетнамдаги сиёсати, деди Ж. П. Вижье, бошберкўчага кириб қолди. Урушни кенгайтириш галабага олиб келмади ва олиб келиши ҳам мумкин эмас».

АЖАЛ ЛАБОРАТОРИЯСИ

ЛОНДОН, 10 ноябрь. (ТАСС). Англиядаги ҳафталик «Лиснер» журналининг ҳозирги чиққан сонида Робин Кларкнинг мақоласи биринчи саҳифада эълон қилинди. Мақолада айтилишича, «ҳозирги вақтда Американинг солиқ тўловчилари уруш учун керакли химия ва бактериология воситаларини ишлаб чиқаришга ҳар кун бир миллион долларга яқин пул бериб турибди».


Мақолада айтилишича, кейинги икки йил давомида Америка қўшинлари химиявий воситаларни Вьетнамда жуда кўп миқдорда ишлатиб тўрдилар. АҚШнинг бактериология уруши воситалари ишлаб чиқарувчи лабораторияларини олдида, дейилади мақолада, «юққан кишини дарров касал қиладиган, шу билан бирга узоқ вақтга чидайдиган ва антибиотик дориларнинг таъсирига берилмайдиган организмларни ўстириб кўпайтириш» вазифаси турибди. «Шу лабораторияларнинг ҳар бири назарий жиҳатдан олганда бир кунда мана шундай юқумли касалликларни тарқатадиган шу қадар кўп материал ишлаб чиқара оладики, улар ишлаб чиқарган бу материал қитъадаги бутун аҳолини қириб юбориши мумкин».

ВДР УСТИДА УРИБ ТУШИРИЛДИ

Ханой, 10 ноябрь. (ТАСС). Вьетнам халқ армиясининг жангчилари кеча Нгеан вилояти устида Америкаинг бир самолётини уриб туширдилар, деб хабар қилади ВИА агентлиги. Бу самолёт Нгеан вилоятининг шимолий қисмидаги аҳоли зич жойлашган районга ҳужум қилган.

«Аполлон» учишни тамомлади

НЬЮ-ЙОРК, 10 ноябрь. (ТАСС). Американинг учувчи бошқармайдиган «Аполлон» космик кемаси кеча Нью-Йорк вақти билан соат 15.38 минутда Гавай оролларининг ғарби-шимолида Тинч океан сувига қўнди. Бу кеманинг учишга саккиз ярим соатдан кўпроқ давом этди. Кемани учиришдан кузатилган мақсадларнинг бири — «Аполлон» типидаги кемаларни ерга қайтариб тушириш усулини такомиллаштиришдан иборат эди.



В. И. Ленин Обухов заводининг ишчилари орасида нутқ сўзламоқда. (1917 йил.)

ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР ОКТЯБРЬ ҲАҚИДА

1917 йил Октябрь революцияси барча халқлар тақдирига ва ҳар бир инсон тақдирига ҳаётбахш таъсир кўрсатди. Маркс, Энгельс, Ленининг асослн ғоялари, Октябрь ғоялари илгаригидек ҳозир ҳам ер курраси меҳнаткашларини социалистик тараққиёт учун, демократия учун бутун жаҳонда мустаҳкам тинчлик учун актив ҳаракат қилишга чорламоқда.

Гелиус ЛЮНД.
Дания Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси.

✦ ✦ ✦

1917 йил октябрн барча қитъа халқларига, шу жумладан. Осиё ва Африка халқларига ўз мамлакатларини империализм зулмкорларидан озод қилишда янги куч ва революцион ғайрат бахш этди. Россиядаги революция биз ҳиндлар учун ҳам миллий озодлик ҳаракатининг янги истиқболларини очиб берди.

Аржун АРОРА.
Ҳиндистон жамоат арбоби, парламент аъзоси.

ИШЧИНИНГ ҚАДРИ УЛУҒ

Дарахт бир жойда кўкаради, дейдилар. Шукур ака ҳам бир жойда ўсди, улғайди. У каравот заводига биринчи бор ишга қадам қўйганида овози дўриллаган ўсмир эди.

Шукурнинг 25 йил ичида ясаган каравотларини ҳом чўт қилсак, бир шаҳар аҳолисига етади. Унинг ишлаб чиқарган каравотлари техника контролидан бирор марта қайтган эмас.

Бугун Шукур ака ҳар қачонгидан ҳам бахтиёр. Завод клубига корхонанинг каттакичиғ йиғилган. Улар олдин ишчи Шукур Маҳаммаджонов юбилейини ўтказиш учун тўпланишди.

Юбилей кечасида завод партия комитетидан А. Лисенко, бош инженер В. Базаренколар чорак аср мобайнида бир коллективда ҳалол меҳнат қилган олдин ишчи Ш. Маҳаммаджоновни муборакбод қилдилар.

Э. ҚОДИРОВ.

МАҲАЛЛА ТЎЙИ

«Қизил Ўзбекистон» маҳалласи Октябрь районининг янги, ёш маҳаллаларидан. Бу маҳалла кеиинги беш олти йил ичида қарор топди. Бу ерда матбуот, медицина, совет савдоси ходимлари, ёзувчи, санъатчилар яшайдилар.

Карнай ва сурнайларнинг садоси маҳалла аҳлини, меҳмонларни тўй тантанасига чорлади. Кексаю ёш — ҳамма бир оила фарзандларидек ахил, шод-хуррам давра тузадилар. Маҳалла комитетининг раиси, нексa коммунист Орифхўжа Алихўжаев улкан тўй — ҳаётбахш Октябрь тантаналари арафасида катта ермизнинг шу қатрасида— шинамгина «Қизил Ўзбекистон» маҳалласида биринчи бор маҳалланинг расман очилишини эълон қилади.

Ҳаммаҳалламиз, филология фанлар кандидати Матёқуб Қўшчоновнинг Октябрь 50 йиллигига бағишланган мароқли докладидан сўнг, маҳалла комитетининг қарори билан бир гуруҳ ўртоқларга маҳалланинг Фахрий ёрлиқлари тақдим этилади. Маҳалланинг шакланишида, жамоат бинолариии қурилишида, ободончилик ва оммавий-тарбиявий ишларда фаол қатнашгани учун Фахрий ёрлиқ билан тақдирланганлар орасида революция ветерани, иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер Шокир ака Умурзоқов бор. Ҳаммаиинг ҳурматига сазовор бўлган Шокир ака маҳаллада мактаб бино қилишда, янги озиқ-овқат магазинини ташкил этишда фаол қатнашди. Янги магазин ҳам мана шу маҳалла тўйи кунн очилиб, аҳоли хизматини ўташга киришди.

Й. СОТИБОЛДИЕВ.



Маҳалла комитетининг қисқа муддатли мажлиси тўй кечасини бошлашга ҳамма нарса тахт эканлигини қайд қилди.



Маҳаллада жамоатчилик асосида медпункт очилган. Сиз суратда врач Раҳима Романованн беморлар билан суҳбатини кўриб турибсиз.

Р. Альбеков фотоси.

В. И. ЛЕНИН ДЕКРЕТИ БИЛАН

С. Х. СИРОЖИДДИНОВ,
В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг ректори

✦ ✦ ✦



1920 йили 7 сентябрда В. И. Ленин РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг бутун Ўрта Осиё бўйича биринчи олий ўқув юрти—Тошкент Давлат университетини таъсис этиш ҳақидаги декретига қўл қўйди. Шундан буён Тошкент университети ўсиб, улғайиб, камолга етиб келмоқда. У ташкил этилгандан буён жуда кўп олимлар, техник ва педагогик кадрлар етиштириб чиқарди. Бу даргоҳдан минглаб малакали мутахассислар етишиб чиқдиларки, халқ хўжалигининг ҳар бир соҳасида шу ерда таҳсил кўрган мутахассисларни учратасиз.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ғамхўрлиги билан университетимиз базасида кўплаб олий ўқув юртлари ва илмий текшириш институтлари ташкил этилди. Шунингдек Ўзбекистонда фанлар академиясининг ташкил этилишида ҳам университетнинг ҳиссаси бор.

Совет ҳокимиятининг шонли 50 йиллик санасида Шарқ халқларининг халқ маорифи, ўрта ва махсус ўрта таълими бўйича эришган мисли кўрилмаган ютуқларини фахр билан тилга оламиз. Республикамизда олий ўқув юртларининг ўзигина 39 та. Республикамиз олимлари бугунги кунда математика, физика, механика, геология, химия, биология, философия, шарқшунослик ва бошқа фанлар бўйича илмий-текшириш ишлари олиб бормоқдалар. Математик статистика, топология, обн-ҳавони аниқлашдаги математик методлар, Ўрта Осиёда ўрта асрлардаги математика тарихи ва бошқа соҳаларни ўрганишда қимматли натижаларга эришилди. Буларнинг ҳаммасида университетимиз олимларининг ҳиссаси каттадир.

Университетда ҳозирги кунда 12 та факультет мавжуд. Шу йилнинг ўзидагина 2,5 мингдан ортиқ студент қабул қилинди. Улар университет анъаналарининг давомчилари бўлиб, университетимизнинг собиқ ўқувчилари Ўзбекистон ССР фанлар академиясининг академиги О. С. Содиқов, Т. Қориниёзов, Т. А. Саримсоқов, Т. З. Зоҳидов, И. П. Цукерваник, Ш. Т. Толипов, Т. С. Аҳмедов каби машҳур олимларим и з н и н г ўринбосарларидир.

Доҳимиз Ленининг ўзбек халқининг келажаги, хусусан ўзбек фанининг ривожи ҳақидаги орзулари рўёбга чиқди. Тошкентда Давлат университетини ташкил этиш ҳақидаги Ленин декрети мана шундай эзгу иш бўлди ва университетимиз улуғ доҳий номини шараф билан оқлаб келмоқда.

ЧАҚАЛОҚ ЗАВОД ИШЧИЛАРИ ХОТИРАСИ ШАРАФИГА ОБИДА





Куни кеча шаҳримиздаги Октябрь революцияси номли заводда шу заводнинг Улуғ Ватан урушн фронтларида ҳалок бўлган ишчилари шарафига ёдгорлик хотираси —гранит тошдан ишланган обида ўрнатилди.
СУРАТЛАРДА: 1. Мангулик оловини ёқиш шарафига муяссар бўлган ишчилардан бир группаси.
2. Ишчилар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик обидаси.
М. Нуриддинов фотолари.

Тарих хазинаси

Ўрта Осиёдаги энг йирик музей—Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ишга тушди. Музейнинг беш бўлимида 10 мингга яқин экспонат намойиш қилинади.

Улар орасида музей археологлари ва Тошкентдаги тарих ва археология институти ходимларининг нодир топилмалари бор.

Қорақалпоғистон АССР, Бухоро ва Тошкент областларидан топилган тош асридаги меҳнат қуроллари, Афросиёбдаги деворга ўйилган нақшлар, Алишер Навоий ҳаётига доир ҳужжатлар, Улуғбекнинг қийинмалари ва портрети ҳамда шунга ўхшаш ноёб нарсалар биринчи бор кўрсатиларди.

Совет Ўзбекистони бўлими ҳам бир қадар бойитилди. Бу ерда Туркистонда Совет ҳокимиятини тиклашдаги кўпгина янги ҳужжатлар намойиш қилинади. Н. Ҳўжаев, Д. Манжара, Белов, Миршарапов. Тўрақулов ва бошқалар ҳақида ҳам муҳим ҳужжатлар кўрсатилади.

ҲАЁЛАН СИЗ БИЛАН

Қимматли тошкентликлар! Улуғ Октябрь социалистик революцияси байрами кунларида Германия Демократик Республикаси пойтахти Берлиндан совет қардошларимизга самимий тилаклар билдирамиз.

Биз ҳаёлан ва чин қалбдан ғолиб мамлакатингизнинг турли бурчакларида бўлиб, инсоният озодлиги бошланган тарихий кунни сиз билан бирга кутиб олдик. Қурилишда олиб бораётган ишларингизда янги-янги ютуқларга эришишингизни ва соғ-саломат бўлишингизни тилаб, Берлинда ҳам Октябрь байрамини муносиб кутиб олдик, бизда ҳам социализмнинг улуғ принциплари ўз кучини топади, деб умид қиламиз.

Иозеф ШТАНЕК,
профессор, ГДР пойтахти — Берлин миллий фронти раиси.

ШАРАФЛИ НОМ

Тантанали байрам арафасида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» эстафета китобини шаҳримиз завод ва фабрикалари бўйлаб шараф билан олиб ўтган кишилар редакциямизга тўпланишди.

Тўрт ой мобайнида бу китоб саҳифаларн 12 корхонада «Улуғ Октябрь 50 йиллиги бригадаси» номини олиш учун курашган коллективларнинг меҳнат рапортлари билан тўлдириб борилди.

Мана улар, юбилей меҳнат эстафетасининг қатнашчилари, ишчилар коллективининг энг яхши йўлбошчилари.

Аркадий Кротов, Мусулмон Қулибоев, Феликс Қосимхўжаев, Анна Григорьева, Николай Железнов, Вера Барбашова, Леонид Требухин, Иван Зарецкий, Одил Раҳимов, Валентина Орешкина, Лилия Сухацева, Александра Койка, Наталья Тюрина.

Уларнинг Ватан шон-шарафи йўлида қилган меҳнатлари Тошкент шаҳар партия комитети, шаҳар кечки газеталари редакциялари, облсовпроф фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

— «Улуғ Октябрь 50 йиллиги бригадаси» номини олган бу коллективларни юксак мукофот билан табриклаймиз!

Бу ажойиб ташаббусни бошлаб берган «Таштекстильмаш» заводининг мастери А. КРОТОВ ва бригадир М. ҚУЛИБОЕВГА сўз берамиз.

✦ ✦ ✦

Баҳор қадим замонлардан бери табиатнинг уйғониш фасли ҳисобланади. Ҳамал кирди — амал кирди деган мақол бор.

Мана ҳозир куз кетиб, қиш келяпти. Биз ҳар бир тонгни баҳор кайфияти билан кутиб олмоқдамиз. Биз ҳар тонг ана шундай ҳаяжонли туйғулар билан жонажон заводимизга шошиламиз. Биз коллективимизнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС эсдалик байроғи билан тақдирланганидан қувонамиз. Завод эшигидан ҳар куни тўқимачилик машиналари узоқ сафарлар сари йўл олаётганидан севинамиз. Ватанимизнинг олтин байрамини ўз мажбуриятимизни бажаришдек тантанали туйғу билан кутиб олганимизга яна бир бор севинамиз. Заводнинг 22 бригадасига Улуғ Октябрь 50 йиллиги деган шарафли ном берилган.

Заводнинг коммунистик меҳнат коллективлари бундан 13 ой илгари «Тошкент оқшоми» газетаси саҳифаларида бундай шарафли номни эгаллаш учун мусобақа бошлашга чақирган эдилар.

Рост, газета саҳифаларида «Таштекстильмаш»чилар ташаббуси кенг қулоч ёзади деб ёзилганида биз бироз ҳижолат бўлган эдик. Бу жумла бироз ошириб юборилгандек туюлган эди.

Йўқ, ундай бўлмади. Ҳозир фақат бизнинг заводда эмас, шаҳримиз ва республикамизнинг бошқа корхоналарида касаба союз комитетлари юбилей марраларига муддатидан илгари етиб борган юзларча бригадаларга шундай ном берди.

Биргина авиация заводида 50 коллектив, тўқимачилик комбинатида 30. Октябрь революцияси номидаги заводда 14 коллектив бу номни олди.

Бизнинг мусобақадош дўстларимиз Э. Бондаренко бошчилигидаги машинасозлар бригадаси, социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Йўлдошева бошлиқ тўқимачилар, Л. Новопашина бошчилигидаги пойафзалчилар байрамни қувонч билан кутиб олмоқдалар.

Юбилей марралари бажарилганлиги кишини қувонтиради. Шунинг учун ҳам эркин нафас олсан, эртанги кунингга қувонч билан қарайсан киши.

Йиллар ўтиб, кекса ишчилар ўрнини ёшлар эгаллайдилар. Лекин механоткашлар коллективлари унутилмас 1967 йилда қўлга киритилган шарафли номни Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги бригадаси деган номни ўн йиллар мобайнида шон-шараф билан сақлаб қоладилар.

ОЛТИН ТЎЙ

Баъзи оилаларда шахсий тантаналари улуғ байрам тантанаси билан қўшилиб кетади. Масалан, бундан ярим аср муқаддам Лейб Зельманович ва Эсфирь Любовналар оила қуришган эди.

Иккита олтин юбилей арафасида иноқ ва тотув яшаб, болалар ўстириб, неваралар боқиб, ширин ҳаёт кечирган «ёшлар» никоҳдан ўтишга қарор қилишди.

Никоҳ уйн ходимлари «ёш» ларни ёрибиродарлари эмас, ўзларининг фарзандлари, ўғил-қизлари ва невара-чевараларн бошлаб келишганидан тааж жубда қолишди.

Олтин тўйнинг биринчи қадаҳи мамлакатимиз учун ва улуғ байрам тантанаси билан қўшилиб кетган «ёш» лар соғлиги учун кўтарилди.

М. ПАСТЕР.

● ОКТЯБРЬ ИНСОН ТАҚДИРИДА

ТАБАРРУК ОНА



Шаҳримизнинг Кисловодск кўчасида бир уй бор. Унга деярлик ҳар куни қанча-қанчалаб хат, телеграмма, таклифнома келади. Уларнинг баъзисида одамлар онанинг сиҳат-саломатлигини сўрашса, баъзисида тантанали учрашувга таклиф этишади. Айниқса, кечаги улуғ байрам кунларида таклифномаларнинг сону саноғи бўлмай кетди...

Хўш, Шамсиқамар Ғойибжонова қандай қилиб шунча иззат-икромга сазовор бўлди?

...Қуёш қадим-қадимдан кечани кундуз қилди, совуқда дилдираган ғариб-бечоралар жисмини илитди. Ер ва Сув ила ҳамкорликда инсонга рисқу рўз бунёд этди. Аммо одамзодни қайғу-аламдан, очликдан, зулмдан озод этолмади. Шунинг учун ҳам Бобо қуёш буюк Октябрни — сўнмас Қуёшни барча мазлум эллар қатори қувонч билан кутиб олди.

Мана шу Октябрь қуёши туфайли, миллионлар қатори, пахта тозалаш заводи ишчисининг қизи Шамсиқамар ҳам озодликка чиқди. Ичкари машаққатларини тортаётган ўзбек аёлларини нур сари чорлашда шижоат кўрсатиб ишлай бошлади. Бу соҳада унга Полетаева, Судакова, Шумилова каби рус аёллари ёрдам бердилар.

1920 йилда, ўзбек аёллари ичида биринчилардан бўлиб Шамсиқамар Ғойибжонова Коммунистик партия сафига кирди, хотин-қизлар озодлиги ҳаракатида янада фаол қатнаша бошлади.

...В. И. Ленининг ташаббуси билан 1921 йил июнида Москвада Шарқ хотин-қизларининг съездини чақиришга қарор қилинди. Шамсиқамар опа бундан беҳад қувонди ва Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети раҳбарлигида съездга тайёргарлик кўриш ишларида фаол иштирок эта бошлади.

1921 йил. Июль ойининг бошлари. Съездга сайланган делегатлар жуда кўп қийинчиликларни енгиб, Тошкентга етиб келдилар. Бу илғор аёллар Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Хоразм, Марв, Ашхобод, Пишпак (ҳозирги Фрунзе) ҳамда Авлиёотадан эдилар. Уларнинг, деярли, ҳаммаси паранжи-чачвонда.

Делегатлар Москвага жўнашн олдидан Шарқ хотин-қизлари съезди кейинга қолдирилди, деган телеграмма олинди. Туркистон Компартияси Марказий Комитети улар учун Москвага экскурсия ташкил этишга рухсат берди.

...Йўл юрса ҳам мўл юриб, Шарқ хотин-қизлари тушган поезд Москвага кириб борди. Кўплар қатори Шамсиқамар опанинг ҳам қувончи чексиз. У қувониб дугоналарига қарадиди:

— Салом Москва! Ассалому алайкум Москва!— деб юборди.

Бошқалар ҳам зўр мамнуният билан унинг сўзларини такрорлашди.

...Делегация Москвада бир неча кун бўлди, унутилмас таассуротлар олди. Лекин уларнинг барчаси улуғ Ленинни кўришни жуда-жуда исташарди. Ниҳоят, Владимир Ильичнинг Туркистон хотин-қизлари делегацияси вакиллари турган III Советлар уйида бўлаётган Бутун Россия озиқ-овқат съездининг мажлисига келиши маълум бўлди. Ҳамма ҳовлига чиқиб, Ильични кутишга қарор қилди.

Бир вақт тўқ зангори ранги очиқ автомобиль дарвоза олдига келиб тўхтади. Унда икки киши келган бўлиб, бири Ленин эди. Аёллар чапак чалиб юбордилар. Доҳий уларни Халқ Комиссарлари Совети ва Марказий Комитет номидан чин қалбдан табриклади, қисқача нутқ сўзлади.

Аёллар уни қизғин қутладилар.

...Орадан, мана, қирқ олти йилдан кўпроқ вақт ўтди. Аммо Шамсиқамар Ғойибжонова В. И. Ленин билан бўлган ўша унутилмас учрашувни қувонч билан эслайди, ёш авлод билан бўлган учрашувларида шу ҳақда сўзлаб беради.

У. ЮСУПОВ.

ЮБИЛЕЙ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тошкент заргарлик фабрикаси байрамга атаб «Октябрнинг 50 йиллиги» юбилей значокларидан 20 мингта ишлаб чиқарган эди. Ўн ойлик топшириқни 24 октябрда бажарган фабрика коллективи ҳозир IV квартал планининг 40 процентини бажариб қўйди.


* * *

Тошкент офсет фабрикаси юбилей буюртмаларини тўла бажарди. Совет давлати юбилейига бағишлаб 195 мингта хилма-хил плакатлар, 310 мингта открытка, рус ва ўзбек тилларида 20 мингта альбом чиқарди.


БУГУНГИ ТОШКЕНТ

Охунбобоев номли майдоннинг Навоий кўчаси томонидан кўриниши.

Э. Эшенбах ва В. Гуляков фотоси.



Тошкент оқшоми 50 йил
11 НОЯБРЬ, 1967 Й.



КУЙБИШЕВ. Автомобилларнинг ҳайдовчилари ишдан кейин машинани юваш учун камида бир соат йўқотадилар. Куйбишевдаги енгил автомобиллар паркида машиналарни 2—3 минут ичида топ-тоза қилиб берадиган ювиш механизми ўрнатилди. 6 бақувват вентилятор эса ҳўл машиналарни қуритиб беради.

Суратда: ювиб қуритадиган янги механизм.

А. БРЯНОВ фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ШАҲАР НОМ ҚЎЙИШ КОМИССИЯСИДА

1966 йил шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори билан шаҳар совети қошида топономик комиссия ташкил қилинди. Мана икки йилдирки комиссия муваффақиятли ишлаб турибди. Кўпгина кўчалар, кинотеатрлар, мактаблар, маиший хизмат кўрсатиш жойлари топономик комиссиянинг ташаббуси билан муносиб номларга эга бўлди. Мана, Совет давлатининг 50 йиллик юбилейи муносабати билан жамоатчиликнинг истакларини эътиборга олиб, қатор ўрта мактабларга Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Улуғ Октябрь социалистик революцияси қатнашчилари, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари, фан ва маданият арбобларининг номи қўйилди.

А. МУҲАММАДКАРИМОВ.

ЮРАК

Чироқ саналарми, ёниб бағридан
Чарақлаб-яраклаб шуъла сочмаса.
Булоқ саналарми, қутлуғ қаъридан
Марваридлар сочиб, қайнаб-тошмаса.

Юрагим,чироқдай ёниб пайдар-пай
Нуринг порлатмасанг, юрак эмассан.
Қайнар булоқ янглиғ мавжланиб тинмай,
Жўшмасанг, тошмасанг, нечун кераксан!

ТЎРТЛИКЛАР

Башар дарёсида томчиман мен ҳам,
Башарий ҳарорат дилда жамулжам.
Эътиқод машъалин тутиб сарбаланд,
Ҳаёт йўлларидан ташлайман қадам.

х х х

Камтарлик инсоннинг фазлидир, билгил,
Фазилатлар аро аслдир, билгил.
Мевали дарахтдек камтарин инсон
Буюк донишмандлар наслидир, билгил.

х х х

Мен сенга боқаман, «жиз» этар юрак,
Сен менга боқасан, сир бўлар ошкор.
Кўзлар тўқнашидан туғилса тилак,
Ёниб ҳижрон ичра сўзлаш не даркор!

Розиқжон РЎЗИЕВ.
Бухоро

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

РУБОИЙЛАР

Маъшуққа жон берсанг ҳам ёқмайсан бемор чоғида.
Жаҳонни ҳадя этсанг ҳам олмас бедор чоғида.
Они хуш: олам уники сўзсиз. Мисоли Ҳотам,
Ошиқдан бошқани ҳеч танимас ҳумор чоғида.

Нур, ризққа шерик, бир тандир билсак капалак ҳам,
Келиб-кетувчи бир жондир билсак капалак ҳам.
Ҳар бир жондор ҳам ўзига хос дунёдир, албат,
Шубҳасиз осмон-жаҳондир билсак капалак ҳам.

Бир танда юз жон пайдо бўлур маъшуқа қилса жилва.
Коинот беҳад нурга тўлур маъшуқа қилса жилва.
Бу сўз чин: қуёш ҳам яралганмиш ул маъшуқа кулган кун,
Ой ҳам минг ўй-фикрда қолур маъшуқа қилса жилва.

Дўстим мени ҳар куни эл-юртим йўлида кўради.
Ўғлим эса эртага кишилар дилида кўради.
Бор киши тилда бўлур, йўқлар дилда, гоҳида қўлда,
Дуварам маъшуқаси тутқазган гулида кўради.

Ўз иллатинг билмасанг сенда фазилат пайдо бўлмас,
Биров қадрин билмасанг сенда меҳр, қиммат пайдо бўлмас.
Қанот пайдо қилмасдан кўкка парвоз қилолмайди қуш,
Халқинг фикрин билмасанг сенда ақл, ҳикмат пайдо бўлмас.

Тошмамат РЎЗИБОЕВ.

Ер шарида

● БУГУНГИ ГРЕЦИЯДА РАССОМ ВА ЁЗУВЧИЛАР АҲВОЛИ

«Новости» матбуот агентлиги (АПН) Фотис Карафотиаснинг Ғарбий Берлинда чиқаётган «Дер тагесшпигель» газетасида босилган мақоласининг қисқартириб олинган таржимасини газетхонлар эътиборига ҳавола қилади.

Грек ҳарбий хунтаси Мелин Меркурини гражданлик ҳуқуқларидан маҳрум қилиб, Микис Теодоракисни қамоққа олгандан кейин ҳам мамлакатда «тинчлик ва тартиб» ўрнатолмади. Бу ерда ёлғиз коммунистик «хавф-хатарлар» гина тугатилаётгани йўқ. Буни жаҳон жамоатчилиги кўриб турибди.

Ҳозир Грецияда кишилар руҳини турли йўллар билан тушириш учун уринишнинг тобора кучайиб бораётганини жамоатчилик назаридан яширish борган сари қийинроқ бўлиб қолмоқда. Ҳукмрон тузум Греция оғир касал, уни операция столига боғлаб хатарли шишларини кесиб ташлаш, яъни озодлигини, фикрларнинг демократик шаклланишини ва бирлашишга бўлган ҳуқуқларини йўқотиш керак, деб ҳисоблайди. Сўнгра, мисол учун, якшанба тоат-ибодатларига қатнаштириш йўли билан янги «миллатчилик» онгини сингдиришда унга ёрдам беришар мишлар...

1950 йиллардаги шеърлар автори Никос Казандзакис ва лирик шоир, 1964 йилда адабиёт соҳасидаги Нобель мукофотининг лауреати Георгес Сеферидис «Қора рўйхат»га тиркалди. Эҳтимол бу адабиётчилар ортиқ даражада «сўл» кайфиятда бўлганликлари учун шундай қилингандир. Аммо ҳозирги пайтда «сўл» деган сўзнинг ўзи нимани англатади дейсиз? Аллақачондан буён давом этиб келаётган инқирозлик ва олгархик тузумдаги экономика ҳукм сураётган мамлакатда санъатда тема танлашнинг ўзиёқ бу тузумга муқаррар қарама қарши бўлиб чиқади.

* * *

Биз ҳозирги вақтда Ярос оролидаги концентрацион лагерда азоб чекаётган ажойиб шоир Яннис Рицос овозини эшитишдан маҳрум бўлиб қолдик. Лирик шоир Никифорос Вреттакос, ёзувчи Вурнас, талқидчи Дромазос, рассом Вассо Катраки (бу аёл 1964 йилда Венецияда ўтказилган фестивалнинг лауреати бўлган эди), артист Катракис ва Каллергис ҳам ўша лагерда қамалиб ётишибди. Булар машҳур номлардир. Уларни Ярос, Лерос ва Фоленгандросдаги концентрацион лагерларда атоқсиз кишилар билан бирга қамаб қўйишганлар. Уларнинг сони 20 минг кишидан ҳам ошиб кетади.

ҚЎЛЛАРИМИЗДА КИШАН

Грек адабиётининг оқсоқоли, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш» Халқаро Ленин мукофотининг лауреати ва бир неча марта Нобель мукофотига номзод бўлган шоир Костас Варналис ҳам 84 ёшга киришига қарамай қамалди. Рост, кейинчалик у давлат хавфсизлигига «таҳдид қилолмайдиган» 250 кекса ва касал маҳбуслар қатори турмадан озод қилинди.

1946—1949 йиллардаги граждан уруши вақтида худди шу оролларда сургунда бўлган Яннис Рицос «Жолио Кюрига мактуб» деган достонида маҳбусларнинг оролдан-оролга ғам-ғусса билан сувсиз, нонсиз азоб чекиб зўрға судралиб юришни, қўллардаги кишанларнинг кеча-кундуз жиринглашини тасвирлаб ёзган эди.

Ҳозир бу достон қилинди. Уни махсус рўйхатга тиркалган бошқа 400 асар қатори ўқиш мумкин эмас. Грециянинг бутун илғор адабиёти каби Халдор Лакснесс ва Михаил Шолохов каби авторларнинг китоблари, шунингдек... рус тили дарслиги ҳам қора рўйхатга ёзилди.


Бироқ энг «эски» адабиёт ҳам фитначилар «эътибори»дан четда қолмади. Классикларнинг асарлари цензурадан ўтказилади, фестиваль вақтида эса миллий театрга «ортиқ даражада озодлиги» бўлган трагедияларни саҳнага қўйиш ман этилди.

Фитначилар тузуми айниқса матбуотга гарази муносабатда бўляпти. Афинадаги олти йирик кундалик газета чиқмай қўйди. Булардан тўрттаси матбуот эркинлигининг тугатилишига қарши норозилик билдириш белгиси сифатида ўз ишини тўхтатди. Грециядаги энг «сўл» ЭДА партиясининг органлари бўлган қолган икки газета ҳам тўнтаришдан кейин дарҳол ёпилди. Грециядаги бошқа газеталар ҳукуматнинг зеркарли ахборотларини эълон қилиб турадиган варақаларга айланиб қолди. Бу ишлар «Шпигель» журнали эслатиб ўтганидек, «қитъада энг жўшқин газеталари билан» ўз вақтида шуҳрат қозонган шаҳарда рўй берди. Майор раҳбарлик қилаётган радио ҳозир амалда янги «миллий миссия»нинг агитация органи бўлиб қолди. У кўнгилочар куйлар сифатида 1930 йиллардаги маршларни ва йиғлоқи ашулаларни эшиттирмоқда.

Йирик адабий журналлардан бири бўлган «Эпитеориси технис» («Санъат обзори») ман этилди. Адабиёт ва санъат соҳасидаги бошқа оммабоп журналлар ҳозирги шароитда салгина бўлса ҳам маъноли адабий иш билан шуғулланиш учун имконият йўқлигини асос қилиб «Эпитеориси технис» журнали билан бирдамликларини намойиш қилиб, чиқмай қўйдилар.

Афинадаги журналистларнинг ярми ишсиз қолди. Уларнинг моддий аҳволи ночордир. «Қора полковник»ларнинг пенсия, касаллик кассалари ва ишсизлар кассасини тугатиши бу аҳволни янада қийинлаштирмоқда. Ороллларга бутун бир редакциялар сургун қилиб юборилди. Фақат озгина журналистлар тўнтаришдан кейинги биринчи кунларда Ғарбий Европага қочиб кетишга муваффақ бўлдилар. Улар ҳозир Париж, Лондон, Рим, Боннда яшамоқдалар ва қувғиндаги биринчи газеталарини чиқариш учун тайёрламоқдалар.

Фотис КАРАФОТИАС,
(АПН).



КАСАБЛАНКА (МАРОКАШ). Касабланкадаги энг йирик госпиталда Совет Иттифоқи ҳарбий қилган радиологик комплексни қуриш ва монтаж қилиш ишлари тамомланди. Бу ердаги барча ишларни Совет монтажчи-мутахассислари бажаришди. Бу ерга Совет радиолог-врачлари ҳам келишган эди. Улар госпиталда ишлаб, маронаш мутахассисларига ўз тажрибаларини ўргатадилар.

СУРАТДА: Касабланкадаги госпиталда совет радиологик жиҳозларини монтаж қилиш пайти.

И. Березниковский фотоси, ТАСС фотохроникаси.

«ЙЎЛДОШ» ЖУРНАЛИ АНГЛИЯДА СОВЕТ ЖУРНАЛИ ЛОНДОН БОСМАХОНАЛАРИДА НАШР ЭТИЛМОҚДА

Яқинда Лондонда «Новости» матбуот агентлиги нашр этаётган «Йўлдош» журнали сотила бошлади. Бу журнал «Халқаро нашриёт бирлашмаси» (ИПК) томонидан босиб чиқарилмоқда ва тарқатилмоқда. Англиядаги энг йирик газета бирлашмаларидан бири бўлган «Дейли миррор» группаси унинг бир қисмидир.

Англияда «Йўлдош» журналининг биринчи сони чиқиши муносабати билан мамлакатдаги кўпгина газеталар унга махсус материалларни бағишладилар. «Дейли миррор» газетаси «Орбитида Россиянинг жонли образи» деган мақолада: «Русларнинг ишлари теварагида ўз мистик булутларини юзага келтирган кремлшунослар бугун эрталаб ўзлари яратган образларни қайта қараб чиқишга мажбур бўладилар. Энг кейинги йўлдош — фактларга тўлиб-тошган, салмоқли ойлик «Йўлдош» журналининг пайдо бўлиши муносабати билан уларга шундай қилишга тўғри келади. Бу журнал инглиз тилида сўзлашувчи бутун мамлакатларда тарқатилади!..» деб ёзди.

«Морнинг стар» газетаси ҳам ўз навбатида: «Новости» матбуот агентлиги томонидан йил бошидан буён чиқариб келинаётган «Йўлдош» журналининг биринчи Англия-Совет нашри орбитага чиқди,—деб қайд қилди.

Эндиликда бу журнал Сесил Кингнинг «Дейли миррор ньюспейперс лимитед» гуруҳи томонидан нашр этилиб тарқатилмоқда. Журнал совет матбуотидан соддалаштириб олинган материалларни ёритади. Журналнинг Совет ҳокимияти 50 йиллиги юбилейига мўлжаллаб чиқарилган бу сони биринчи бирлашган нашриёт тарафидан 200 минг нусхада босилди. Унинг икки юз бетидан ҳар ким ўзини қизиқтирган материалларни ўқиши мумкин. Космонавт Ю. Гагарин келажакда космосни ўрганишга ишонч билан қарайди. Лондонда узоқ вақтлардан бери совет элчиси бўлиб ишлаган Иван Майский ўзининг Ж. Бернард Шоу билан бўлган учрашувларини эслаб, ўтмишга илиқ туйғуларини назар ташлайди.

СССР тарихи почта марказларида тасвир этилган. Бу эса филателистлар ва тарихчилар учун қизиқарлидир. Хотин-қизлар рус модалари ва пазандачилик рецептлари билан таниша оладилар.

(АПН).

ЧЕТ ЭЛ ЮМОРИ

ОЛТИН ТЎЙ

Эр-хотин ўзларининг олтин тўйларини ўтказишди. Шу муносабат билан таклиф этилган дўст-ёрларидан бири уларга мурожаат қилди:

— Очиғини айтингларчи, бирга шунчалар узоқ умр кечирибсизку бирор марта бўлса ҳам ажралиш ҳақида ўйлаганмидингизлар.

— Йўғ-е, Хоним ўлса-ю, мен қутўлсам дердим...

Эрим ўлса-ю, мен қолсам дердим.

САВОЛ

Нотиқ ўзининг узундан узоқ нутқидан кейин тингловчилардан сўради:

— Саволлар борми?

— Бор.

— Марҳамат, эшитаман.

— Соат неча бўлди?

АЛМАШИБ ОЛИШДИ

Она эгизакларни уришарди:

— Тушки овқаттача ўзларингнинг пирожнийларингни олманглар, демовмидим!

— Ҳали ҳам ўзимизникини олганимиз йўқ, у меникини олди, мен эса уникини.

НАФРАТ

Кампир эрига деди:

— Эсингдами мени қиролича деб чақирардинг, ҳозир-чи?

— Шундай дейишга уялмайсанми, озодлик даврида-я... дея нафратланди у хотинининг сўзларидан.

Русчадан Т. УНАБОЕВ таржимаси.




Вашингтон. Бу ерда юз мингдан ортиқ намойишчи Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг Вьетнамга нисбатан қўллаётган сиёсатига қарши норозилик митингида қатнашдилар.

Суратда: Пентагон намойишчиларни ҳарбий-полиция отряди ва ҳаво-десант қўшинлари билан кутиб олди.

Л. ЯДРОШНИКОВ телефотоси, ТАСС фотохроникаси.





ПОЛЬША. Недзиц ва Чорштин кўҳна қалъаларининг остоналарида келгусида улкан сув омбори бунёд этилади. Бу жой Польша-Чехословакия чегарасидадир. Висланинг чап қирғоғида ва Дунаец дарёсида тўғон қуришга қарор қилинди. Дарё суви димланиши натижасида «Чорштин кўли» ҳосил қилинади. Унинг узунлиги 11 километрдир. Сув омбори яқин атрофдаги қишлоқларни тоғ дарёси тошқинларидан ҳимоя қилади. Бу ерда иккита электростанция ҳам қурилади.

СУРАТДА: инженерлардан (чапдан ўнгга) Анджей Войцеховский, Александр Ласки ва Ержи Ланивский бўлажак иншоот лойиҳасини муҳокама қилмоқдалар. Ундаги суратда эса Дунаец дарёсининг Чорштин қалъасидан ўтадиган жойи. Бу ер бўлажак тўғон учун танланган.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

„ЧИН СЎЗ“

ҲИКОЯ

Уйга келсам, хотинимнинг ғайини ғалвани чиқарди.

— Бормайсан дедим, бормайсан, вассалом. Мажлиси бўлса кундузи қилсин. Мажлисмиш эмиш! Ҳали мажлис, ҳали вечер... ҳув, ўша мажлисингга.

У икки қўлини белига қўйиб олганча ўдағайларди қизига.

— Ойижон, рост айтяпман, Нега ишонмайсиз? Чин сўзим... Келинг, жавоб бера қолинг?

— Ҳей, сен мунча ғалча бўлмасанг, йўқ дедимми, йўқ! Мажлисга борадиган уйинг қуйгур шунақа ясаниб оладими, байрамга кетаётгандай?

Хотинимнинг кўзи биздан менга тушиб қолди.

— Вей, нима қилиб қақайиб турибсиз ичимай, ё сиз ҳам мажлисга борасизми?

Мен ўртадаги гапларни эшитиб, ҳамон жилмайиб турган эдим, хотиним менга ҳам ташлаб қолди.

— Гапирсангиз-чи, бундоқ. Сиз ҳам ота бўлиб, куйдирган калладай ишлайиб турвермай!

Хотинимнинг қизиқ феъли борда! Жини кетиб турса дунёда бундан яхши одам йўқ, олдидан қора мушук ўтиб қолдими — тамом, унга «худо бас келмаса, бандасининг қўлидан ҳеч нима келмайди».

— Хўш, хоним, мен нима дей,— яқинлашиб аста тирсагидан ушлаган эдим, бобиллаб берди:

— Қўлингизни олинг, ҳе қариб суйилмай... Бачканалик ҳам эви биланда, қизим қараб турибдиям деймайди-я! Отанинг ҳоли шу бўлгандан кейин...

Ҳозир сув пуркасам ёнадиган, арқонни узунроқ ташладим:

— Қани, хоним, айтсинлар бўлмаса, хўш, мен нима дей?

Ўзимдан бол томганигами хотиним бир менга, бир қизига қаради-да, сал шаштидан тушгандай бўлди:

— Ўзингиз ғаплашинг қизиз билан, менинг жағимда жағ қолмади, гап уқтираверинг бунизга.

Хоним тутғанча ошхонага кириб кетди. Қизим бояқиш турган ерида серрайиб, «отам нима деркин?» дегандай кўзини жовдираганча киприклари остидан менга қараб турарди. Рости, унга раҳмим келди. Нима қилай? Мен ҳам ўлганнинг устига тепган қилиб, онасига ўхшаб ўдағайлайми? Инсофдан бўладими бу ишим, Ҳаммамиз ҳам ёш бўлганмиз, ҳаммамиз ҳам ўн саккизга кирганмиз, не-не савдоларни ўтказмаганмиз бошимиздан!..

Қизимни секин имладим:

— Фақат вақтлироқ кел, қўшни?

У қанот чиқаргандай ошхона отилди.

Кўзларим жиққа ёш эди. Оталик меҳриданми, ёки қизимнинг ўн саккизга кирса ҳам, ҳамон гўдакларча самимий қилиқлариданми қўнглим бўшашиб кетди. Эй, она, шундай қизингга ишонмай, кимга ишонасан?

Унинг кетидан хаёлга ғарқ бўлганча туриб қолдим.

Ҳозиргина кўчамиздан уйимизга қайрилаётсам, бир йигит қўлидаги қоғозга қараб ўзидан-ўзи нималарнидир пичирлаб, жилмайиб турибди. Мени кўриб қолди-ю, шошилганиданми, ё довдираб қолдими, салом бераман деб, қўлидаги қоғозини туширib юборди. Одобликкина бола экан. Бирпичи кўришим у йигитни. Нариоқ ўтиб, орқамга қарасам, ердан қоғозни олаяпти. Ҳалиги ҳавас билан тиқилиб турган қоғози театр билети эди чамамда. Кўчамиздаги бирон қизни кутиб турган бўлса керак деб, уйга кирсам машмашанинг устидан чиқдим.

Бирдан қўзлари севинчдан чақнаб турган бояги йигит кўз олдимга келди.

— Қани, қаёққа гумдон бўлди у?!

— Ҳозир келади,— дедим ўзимни босишга ҳаракат қилиб.

— Ҳотамтойлик қилиб жавоб бериб юборганмисиз деб қўрқиб турувдим, хайрият...

Бирдан яна жаҳл аралаш сўраб қолди:

— Мени лақиллатаётган бўлманг тағин?

— Йўқ, дедим-ку ахир, хотинжон, наҳот ёлғон гапирсам.

— Ўлгудай латтасиз, буларга қўйиб берсангиз, ўҳў, нималар қилмайди!

— Бизга ўхшаб-а...

— А? Нима деб алжиряпсиз?

— Сиз билан менга ўхшабми деяпманда! Биз ҳам ота, онамизни ахир не қўйларга солмаганмиз.

— Хотиним ялт этиб менга қаради.

— Эсингиздан чиқмагач экан-да? Мен чиққан бўлсам... Сизни деб чиққанман, биласизми?

— Ҳа, балли! Балки бордир бунини ҳам...

— Нима, яна бир қайтаринг? Бордир? Вой ўлмасам, ҳали кўрганман ҳам денг?

Хотинимнинг икки елкасидан қучиб, секин жойига ўтқаздим. У отдан тушса ҳам эгардан тушгиси келмасди.

— Нега ўтказяпсиз мени, овқат ювинди бўлади-ку ахир?

— Сабр... Ўзим ювиб келаман совуб қолса. Менга қаранг... Бир нарсани очиқ айтингчи, каминага тегиб кам бўлдиларми?

Хотиним менга бир ғалати қаради-ю, тупугини ютганча индолмай қолди.

— Сизга айтяпман, кам бўлдиларми?

— Мунча қисти-бастига олиб қолдиз, нима, мен биронтасига шикоят қилибманми?

— Ҳа, баракалла! Ўша «мажлислар»га чиққанингизда ҳам хафа бўлмаганмидингиз мендан?

— Товба, мунча осилиб қолдингиз менга, йўқ деяпманку ёки тилхат берайми! У пайт бошқа эди, ҳозирги ёшлар...

— Йўқ, ҳамма пайт ҳам севишганлар учун бирдай. Фақат одам одамга ишониши керак, ишонмаслик ёмон.

— Келмаяптику у ер ютқур, вақтли кел деганингиз шуми,— деди гап тополмаганидан.

Вақтли келган шу бўлса... Жавоб берворган бўлманг тағин?

— Хўш, жавоб берворган бўлсамчи?

— Сиз... сиз... ошнакала... Уни шу тахлитда тарбияласангиз... Биласизми... кимга ўхшаган бўлади?

— Кимга ўхшаган бўларди? Ўхшаса, сизга ўхшаган бўлади-да! Сизга ўхшаса... ёмонми? Айтишадики, «арқонини кўриб, бўзини ол, онасини кўриб қизини ол».

Қошлари чимирилиб, ҳозир «ейман» деб турган одам, бирдан эриб, ипакдай мулойимлашиб қолди.

— Ўша... менга ўхшасин деб, қаттиқроқ тутаманде...

— Жуда ҳам мунақа қилавсманг, хоним,— дедим. Ўз хонамга ўтиб кетаётиб, секин қулоғига,— қизингиздан нолимасангиз ҳам бўлади. Куёвингиз ҳам чакки болага ўхшамайди...

— Нима? Куёвингиз? Ҳей биласизми, нималар деб валдираётганингизни? Бу одамга бир нарса бўпти ўзи. Бу ахир... ҳалиги...

— Еш вмас, сиз ҳам йўлларимга кўзингизни тўрт қилиб кутиб юрган пайтларингизда худди қизингиздек эдингиз...

— дедим секин шивирлаб, уйда ҳеч ким бўлмаса ҳам журтга, уни босиб олиш учун.— Қўйинг, ундан кўра уларнинг бахтини тилайлик. Эсли-ҳушли бўлишсин, бошқа нарса керакмас.

— Ҳей, буёққа қаранг, югуринг ана, анави «лайли-мажнун»ларнинг ўтиришини қаранг. Ҳа, писмиға, ҳамма гапни қизлари билан битириб менга индамай юрганларингичи...

Хотиним шарақлаганча яна югуриб кириб кетди. Орқасидан кирдим. Телевизорда театрдан постановка олиб кўрсатаётган экан. Қизим дарров хълиги йигитга тушди. Ўша, худди ўшанинг ўзи, янглишмабман. Қизим бечора спектаклга шунчалик берилган эдики, телевизордан олиб кўрсатишаётганини ҳам, телевизор камераси худди бурнининг тагига келтириб қўйилганини ҳам сезмасдан... Унинг бутун вужуди томошада эди. Йигит эса, ўнг тирсагини стулнинг суянчигига қўйганча юзини кафтига қўйиб у ҳам сурат олдираётгандек котиб қолган эди... Дунёда ёлғиз шуларгина мавжуд-ку, шулардан ортиқ бахтиёр одамлар йўқдек эди чамамда... Кўнглим анча таскин топди. Қизимга меҳрим товланиб кетди.

Хотиним лол бўлганча стулга ўтириб қолди. Ҳозир саҳнадаги артистларни кўрсатаётган бўлса ҳам унинг иккала кўзи телевизор экранига қадалиб қолган эди... Назаримда кўёв бўлмиш йигитни яна кўрсатишса-ю, бир кўра қолса!

— Шунақа, хотинжон, ҳали келганда тағин гапириб ўтирмагина, уялмасин. Биз телевизор кўйганимиз йўқ бугун, тушунарлими?

Хоним менга еб қўйгудай бўлиб қаради-ю, яна телевизор экрани томон ўгирилиб олди.

Қизим сўзининг устидан чиқди. Спектакль тамом бўлиши билан кечикмай уйда ҳозир бўлди. Юзим ёруғ онасининг олдида.

Қодир МАҚСУМОВ.



КУЗ ҲАВОЛАРИ.

МЎЪЖИЗАКОР МЎМИЁ — МИНГ ДАРДГА ДАВО

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Тошкентдаги ортопедия ва травмотология илмий-тадқиқот институти клиникасида мўъжизакор дори — мўмиё устида олиб борилаётган кўп йиллик кузатувлар нн ҳосисга етиб қолди. Институтнинг клиника мудири, медицина фанлари нандидати Одил Шарипович Шокировнинг 20 йилга яқин вақтдан буён мўмиё устида олиб бораётган тадқиқотлари инсон саломатлигини яхшилаш йўлида Совет медицина фани эришган ютуқларига улкан ҳисса бўлиб қўшилиши мумкин.

Ўзбек олими лат еган ва синган суякларни мўмиё билан даволашнинг самарали таъсирига доир докторлик диссертацилсини ёзиб тугатди. Одил Шариповичнинг бу йирик ва муҳим илмий асари Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллигига туҳфасидир.

О. Ш. Шокиров дастлаб институтнинг экспериментал бўлимида ҳар хил ҳайвонлар устида атрофлича тажрибалар қилиб, мўмиёни синаб нўргандан кейин ўзи мудирлик қилаётган клиникадаги беморларни мўмиё билан даволай бошлади. У мўмиёнинг қадим замонлардан буён машҳур дори сифатида танилганлигини ифода ловчи бир қанча илмий-фантастик аммо ҳақиқатдан далолат берувчи фирларни келтирди.

Мўмиё жасадларни қотиришдан бошқа мақсадлар учун ҳам ишлатилади. Айниқса шарқ мамлакатларида кўпгина касалликларни, хануз мўмиё билан даволашади. Чунончи, асаб, фалаж, меъда-ичак, жигар, қабиқ касалликларн, қон кетиши ҳамда турли шишларни даволашда мўмиёнинг фойдаси беқиёсдир. Шунинг учун ҳам қадимги донишмандлар мўмиёни ўлимга даво деб бежиз айтишмаган.

Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, буюк грек мутафаккири Арнстотел ва бошқалар мўмиёнинг шифобахш хоссаларини тасвир этишган.

Мўмиё Урта Осиё республикалари ҳамда Қозоғистондаги тоғларда ҳам кенг учрайди. Орлтопедия ва травмотология илмий текшириш институтининг бир группа илмий ходимлари О. Ш. Шокиров раҳбарлигида химиклар, археологлар иштирокида мўмиё излаб Чотқол тоғларига бир неча бор комплекс экспедиция ўтказдилар. Ахтариш бехуда кетмади, албатта. Айрим жойларда қоя тошлар ёрнгидан қорамтир ёки баъзилари қўнғир рангли қуюқ суюқлин томиб ётганлиги аниқланди. Унинг намуналари Тошкентга келтирилиб, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг кимёгарлик институтида, шу институтнинг лабораторня мудири ўртоқ А. Мирзакаримов иштирокида кимёвий жиҳатдан текшириб кўрилди. Натижада, мўмиёнинг минерал моддалардан ташкил топганлиги, унинг таркибида 30 га яқин микроэлемент мавжудлнги аниқланди.

Институт клиникасида тўпланган ва Урта Осиё тоғларига қилинган комплекс экспедиция вақтида олинган маълумотлар жамн 62 жойдаги манбада ана шу мўъжизакор дори мўмиё борлигини кўрсатади. Асосан Зарафшон, Туркистон, Чотқол, Қўрама, Помир, Копет-Доғ тоғларида мўмиё учрайди. Шуни айтиш керакки, Ўзбекистонда бурчмуллалик кончи Олим Ҳаитов Чотқол тоғидан, самарқандлик электромеханик Александр Никитич Дяченко Зарафшон тоғидан мўмиёни биринчи бўлиб топишда тадқиқотчи Олим ишга яқиндан ёрдам бердилар.

Институт клиникасида суяги лат еган ва синган беморларни даволашда ўзбек олими О. Ш. Шокиров олиб бораётган амалий ишлар мўмиёнинг беқиёс натта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Мўмиё тўфайли кўпгина беморлар оғир дард—абадий майиб бўлиб қолишдан батамом қутилмоқдалар. Лат еган ёки синган ҳар қандай суяк ҳам мўмиё ёрдамида барвақт тузалиб, олдинги аслига тушиб кетяпти.

Травмотолог О. Ш. Шокировнинг мўмиёнинг синган-чиққанга самарали дори бўла олиши ҳақидаги қимматли илмий ишини Москвадаги СССР медицина фанлари академияси ҳамда Марказий ортопедия ва травмотология институтининг мутахассислари юксак баҳолаб, унинг тадқиқотини турмушга кенг жорий қилишни тавсия этдилар. СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги Олий фармакология совети мўмиёни дорихоналарга чиқариш билан боғлик таклифларни ўргана бошлади. Ҳозир Ўзбек олими тадқиқотлари бўйича Тошкентдан ташқари, Москва, Ленинград, Душанбадаги ва бошқа бир қанча шаҳарлардаги клиника, касалхоналарда суяги синган ва лат еган беморларни мўмиё билан даволаш кенг йўлга қўйилмоқда. Бундан ташқари мамлакатимизнинг бир қатор илмий тадқиқот муассасалари ҳамда клиникаларида шифокорлар мўмиёнинг бошқа касалликларга ҳам таъсири устида иш олиб боришяпти, унинг янги-дан-янги мўъжизакор сирларини ўрганишга ҳаракат қилишмоқда.

Мўмиё ҳадемай дорихоналаримиздан яна бир шифобахш мўъжизакор дори сифатида ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Бу ҳамшаҳаримиз травмотолог олим Одил Шарипович Шокировнинг инсон саломатлигини мустаҳкамлашда медицина фани ютуқларига қўшган ажойиб ҳиссаси бўлади.

С. ҲИДОЯТОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО ТЎЛҚИНЛАРИДА

РАДИОДА 11

НОЯБРДА ШАНБА

Биринчи

18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (ўзбекча).
18.10 Спорт эшиттириши (русча).
18.40 Бухоро область театри артистларининг концерти.
19.20 Куйлар тинглаб дам оламиз.
20.00 «ОКТЯБРЬ» радиостанциясининг программаси (ўзбекча).
20.30 Мақомлардан парчалар.
21.15 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кечки концерт.
22.00 «Улуғ Октябрь хроникаси» (ўзбекча).
22.10 Вальслар.
23.10 Дам олиш концерти.

Иккинчи

19.00 Курашаётган Вьетнам адабиёти (ўзбекча).
19.30 «Людмила Дворжакова куйлайди» деган музикали эшиттириш.
20.10 Қардош республикалар композиторларининг енгил куйлари.
21.00 Тожик халқ куйлари.

РАДИОДА 12

НОЯБРДА ЯКШАНБА

Биринчи

7.45 «Онла ва мактаб» циклидан эшиттириш (ўзбекча).
8.25 Севги қўшиқлари.
9.30 Б. Гиенко. «Ўзбекистоннинг лирик манзаралари» сюитаси.
9.50 «Жаҳон бир ҳафта ичида» деган суҳбат (тожикча).
10.30 Араб куйларидан концерт.
11.15 «ТАБАССУМ» радиожурнали (ўзбекча).
12.15 «Эрталабки салом» (Москва).
13.10 Чорвадорлар учун концерт.
13.30 «Рахманинов лирикаси» деган музикали эшиттириш.
15.00 Экран янгиликлари.
15.10 Ҳамза номли театрнинг «БИРИНЧИ МУҲАББАТ» спектаклининг монтажи (ўзбекча).
16.40 Лирик концерт.
18.00 «ЁШЛИК» радиостанциясининг программаси.
18.40 Қозоқ куйлари.
19.20 Озарбайжон куйлари.
20.00 «ТАБАССУМ» радиожурнали. Такрорий эшиттириш.
21.20 Пахтакорлар учун дам олиш концерти.
22.00 «Улуғ Октябрь хроникаси» (ўзбекча).
22.10 Қўшиқлар, рақслар, ҳазиллар.
23.10 «ДАМ ОЛИШ СОАТИДА» деган концерт.

Иккинчи

8.25 Рус қўшиқлари ва рақслари.
19.00 Эстрада-рақс концерти.
20.00 «Юность» радиостанциясининг программаси (Москва).
21.00 «Шашмақом» дан парчалар (тожикча).
21.30 И. Акбаров. Скрипка ва оркестр учун концерт.

Учинчи

14.00 В. Мурадели. «Кўк кўз қиз» операттасининг монтажи.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАРГА

ТЕЛЕВИЗОРДА 11

НОЯБРДА ШАНБА

Биринчи

Ўзбек тилида:
18.25 «АДИБ». Телефильм.
19.05 Халқ ҳофизларининг ҳозирги замон қўшиқлари.
19.45 Телевизион янгиликлар.
20.00 Урал халқ хорининг концерти.

МОСКВА КЎРСАТАДИ
20.30 Бошланғич синфий мактаб тингловчилари учун. «Большевиклар биринчи рус революцияси» (1905—1907 йиллар).
21.00 Цирк томошалари.
22.00 «МАЙОР ВИХРЬ». Телевизион бадиий фильм учинчи сериясининг премьераси.
23.30 Телевизион янгиликлар.
24.00 «Октябрь бунёд этган театрлар». Евгений Вахтангов номидаги Москва Давлат Академик театри.
02.00 Москва эшиттиришларининг охири.

Иккинчи

МОСКВА КЎРСАТАДИ
18.30 Телевизион янгиликлар.
19.00 Киносаёхатчилар клуби.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Ўзбек тилида:
20.30 Область театрлари артистларининг концерти.
21.10 «ТОҒ ҚОНУНИ». Бадиий фильм.

ТЕЛЕВИЗОРДА 12

НОЯБРДА ЯКШАНБА

Биринчи

Рус тилида:
10.55 Эшиттиришлар программаси.
11.00 Болалар учун. «Каштанка». Мультфильм.
11.30 Ўсмирлар учун. «М. Горький ва МХАТ».
12.10 «Арафа». Телефильм.
Ўзбек тилида:
13.10 «Соғиқ дўстимиз». Илмий-оммабоп фильм.
13.30 «Шаҳар тинчлиги учун». Ҳужжатли фильм.
13.50 Болалар учун. Н. Морозов. «Юлдуз нега сўнмайди». Телепостановка.
16.55 Эшиттиришлар программаси.
17.00 Футбол бўйича СССР биринчилиги. «ПАХТАКОР» — «ЗАРЯ» (Луганск). Танаффус вақтида рус тилида телевизион янгиликлар.
18.45 Пахтакорлар учун. «Биринчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари».
19.10 «ГАЗАБ». Бадиий фильм (рус тилида).
20.20 Экран куйлари.
21.00 «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
21.45 Телевизион янгиликлар.
22.00 «ИНТИЗОР ДИЛ ТАРОНАЛАРИ». Концерт.

Иккинчи

10.55 Эшиттиришлар программаси.
11.00 Ўқув эшиттиришлари программаси. Студентлар учун. Олий математикадан рус ва ўзбек тилларида машғулотлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ
13.00 «Будильник».
13.30 Ўқувчилар учун. Свердловск шаҳар пионерлар уйи ашула ва рақс ансамблининг концерти.
14.00 Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Дўстлар совраси» — «Глобус». Қўғирчоқ спектакли.
14.30 Интервидение. Украина «Думка» капелласининг концерти.
15.00 Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун. Константин Заслонов.
15.30 Кундузги эшиттиришларнинг охири.
16.30 Рангли телевидение эшиттиришлари.
18.00 Хоккей бўйича СССР биринчилиги. «СПАРТАК» — «ДИНАМО» (Москва). Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.
20.20 Музикали киоск.
20.50 «ЛЕНИН 1918 ЙИЛДА». Бадиий фильм.
22.40 Ярим аср йилномаси. «1951 ЙИЛ». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм.
23.30 Телевизион янгиликлар.
23.50 Концерт.
01.00 Эфирда «Молодость» — «Горизонт».
02.15 Москва эшиттиришларининг охири.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА—11/XI да **Лайли ва Мажнун**, 12/XI да **Оққуш кўли** (кундуз), **Анда** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРДА—11/XI да **Улим-дан кучли**, 12/XI да **Мудҳиш айбнома**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/XI да **Равшан ва Зулхумор**, 12/XI да **Фарҳод ва Ширин**.

Кино театрларда

11 НОЯБРДА

Исёнкор застава — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кечқурун).

Матонатли нишлар—«ЧАЙКА» (кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

„БЕОРОМ ЮРАКЛАР“

ёшлар коллективининг

УЛУҒ ОКТЯБРЬ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ПРОГРАММАСИ

АЙИҚЛАР АТТРАКЦИОНИ

Ўргатувчи — Владимир Тин.

Масхарабозлар — Коваленко ва Мочалов.

Билетларни олдиндан сотадиган касса ишламоқда.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

1967 йил 22 ноябрь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий совет кенгашида (Сулаймонова кўчаси, 33 уй, Геология институтининг конференция залида) фалсафа фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун:

Гофуров З. «Назария билан практикани боғлашнинг ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги мухит тафовутларини тугатишдаги роли» деган темада:

Баллиев А. Марксча-ленинча эстетикада санъатнинг халқчиллик проблемаси» деган темада

Диссертациялар билан Академия кутубхонасида (Абдулла Тўқаев кўчаси, 1-уй) танишиш мумкин.



РЕСПУБЛИКА ЖУРНАЛЛАРИГА

1968 ИЛ УЧУН

ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

Обуна «Союзпечать»нинг ҳамма бўлимларида, алоқа узеллари ва бўлимларида қабул қилинади.

ТАШКИЛОТ, КОРХОНА, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА

„ТОШКЕНТ ОҚШОМИ“

газетасининг эълонлар бўлими ҳар турли эълонларни қабул қилади.

Шу жумладан **ишга таклиф, конкурслар, диссертация ёклаш ҳакида, таъзия, ҳар хил буюмларни сотиш** (уйлар, хоналар мебеллар, гуллар в. б), **штамп, думалоқ печатлар, етуклик аттестатлари, дипломлари** йўколганлиги тўғрисида

Қабул қилинган эълонлар бир ҳафталик муддатда босиб чиқарилади.

Эълонлар якшанба кундан бошқа ҳар куни кундуз соат 2 дан 4 гача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, 1-қават.



„ТОШКЕНТ ОҚШОМИ“
ГАЗЕТАСИГА
ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 50 ЙИЛ

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»— Орган Ташкентского Горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор—ВЗ-02-49 дан ВЗ-02-58 гача, редактор ўринбосарлари— ВЗ-29-33; ВЗ-29-09; масъул секретарлар—ВЗ-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—ВЗ-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими—ВЗ-27-03; адабиёт, санъат ва маданият бўлими—ВЗ-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—ВЗ-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—ВЗ-27-57; ахборот бўлими—ВЗ-65-57; эълонлар бўлими—ВЗ-81-42.

11 НОЯБРЬ, 1967 Й. Р. 06892. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетн Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 3055.